

4320796 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Қарши | ш.

2022 йил 10 Январ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/603-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияниң Қашқадарё филиали директори Ж.Бозоров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Р.Х. Назаров номидан Устав (Низом, рўйхатта олингандик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Чиринган салоб берилсан (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргаликда Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонента идентификация ракамини беради. Идентификация ракам берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятилар мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

**2. Томонларнинг хукуқ ва маҗбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва маҗбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва маҗбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва маҗбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун маҗбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширадилари.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳақми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган холда) 195 000  
(бир юз туксоч беш минус) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма () сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда () микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичига ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиши ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етапли маблаф бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатга ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошираслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдинни олишини истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўришини реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартномада бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган маҗбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни хал килиши тартиби**

1-бет. \_\_\_\_\_ – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача хал этиши тартибига риоя қилинган ҳо ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Қарши туманлараро иктисодий судида кўриб чикилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибига солувчи конун хужжатлари нормаларини бузини бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий этироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonма/шикоят/таксиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

#### 7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонента татбик этилмайди) ўз шартларини бажариши давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганилиги хақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шахлини ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хаккий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<b>ОПЕРАТОР:</b> “Ўзбектелеком” АК Кашкадарё филиали Манзил: Кашкадарё вилояти Қарши шаҳар Бешкент йули 3 км	<b>АБОНЕНТ:</b> <i>Жарони санаторийи</i> Манзил: <i>Д. Узбекий шах кӯйгасу</i> Банк маълумотлари: х/р: <i>100021860104017101203344001</i> ; СТИР: <i>305890 512</i> МФО: <i>00014</i> ; Банк номи: <i>Тон. ЗУБ</i> Тел: <i>91-965-00-88</i> E-mail: _____
Банк маълумотлари: х/р: <i>20 210 000 504 074 838 334</i> ; СТИР: <i>203 366 731</i> МФО: <i>00401</i> ; АТБ “Алокабанк” Тел: <i>1155 Call маркази, 75 221-5300</i> ; E-mail: <i>qashtel@uztelecom.uz; qashmerketing@uztelecom.uz</i> ;	Абонент номидан: <i>Р. Н. Дорматов</i> Ф.И.Ш. M.II.
Оператор номидан: Директор <i>Ж.С.Бозоров</i> M.Ü.	 

4320738 2022 йил "11" январ  
сонли абонент шартномасига  
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.1	Бир марталик тўлов		Нархнома		
1.2	Бир марталик тўлов		Нархнома		
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	Ойлик тўлов	енкаф	Нархнома		65000
2.2	Ойлик тўлов	фельса	Нархнома		65000
2.3	Ойлик тўлов	марг	Нархнома		65000
2.4	Ойлик тўлов		Нархнома		
Жами (олдиндан тўлов)					195000

Жами олдиндан тўлов миқдори 65000 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 195000 (Бир из турсин дечи шим) сўмни ташкил этади. Ундан — (—) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.

ОПЕРАТОР:  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Қашқадарё филиали

АБОНЕНТ:  
Жерико санаторийбоз

Оператор номидан:

Директор Ж.Бозоров  
/имзо/  
М.ў.



Абонент номидан:



P. Ногмаев